

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилиган холда товарлар илилаб чикариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сун таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиклик таъминоти) ҳақини тўлаш ахоли учун белгилашган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойининг асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-матриций, таълим ишларини ва фаолиятни янада тақомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар берини тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш максадида Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний тапкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиклик энергияси, электр энергияси, телефон, окова сув ва майший чиқиндиларни ташиш)га тўловларни ахоли учун белгилашган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### **IV. ТОМОНЛАРИНИГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1. Истемолчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

Истемолчиликнинг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шариларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олини;

электр энергияси етказиб берининг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истемол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномалаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланабётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугағунгача) берилиши ва суроғтган кушимча миқдор учун 100% олдиндан тulos амалга оширилган бўлиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлимаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган мабъияни қайтарилишини талаб қилиши;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган шизоларни ҳам этиши учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

Истемолчи конун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### **4.2. Истемолчи қўйидагиларга мажбур:**

белгилашган энергия истемоли режимига риоя этиши;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида хак тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилища ҳавфисизлик техникаси қойданарига риоя қилининини таъминланти, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;